



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КЛАСТЕРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бошқармаси катта инспектори
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10617899>

ARTICLE INFO

Received: 26th January 2024
Accepted: 03rd February 2024
Online: 04th February 2024

KEY WORDS

Кластерлар, солиқ
маъмурчилиги, озиқ овқат
саноати фермер
хўжаликлари, деҳқон
хўжаликлари, агросаноат,
иқлим ўзгариши.

ABSTRACT

Мазкур тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жумладан кластерларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни, уларнинг турлари ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва ҳажми. Етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмининг йиллар давомида ўсиб бориш кўрсаткичлари батафсий ёритиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобланиб, мамлакат бюджети ҳамда аҳолининг турмуш даражасида катта ўрин касб этади. Мазкур соҳанинг асосий ижтимоий вазифаси бу – мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, саноатни эса хомашёга бўлган талаб эҳтиёжларини қондиришдан иборат ҳисобланиб, ушбу фаолият мамлакат хўжалигининг энг қадимги, аҳолисининг эса анъанавий машғулоти ҳисобланади. Соҳа мавсумий характерга эга, унинг ривожланиши об-ҳаво, иқлим шароитларига чамбарчас боғлиқдир. Соҳа ривожланиши енгил саноат ва озиқ овқат саноатини ривожланишига катта таъсир қилади. Мазкур соҳада фаолият кўрсатувчилар учун энг муҳим омил бу хомашё эмас, балки агроиқлимий ресурслар - яъни ҳарорат, намлик ва тупроқ асос бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари шаклий жиҳатдан асосий икки турга бўлинади, булар деҳқончилик ва чорвачилиқдир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги (қишлоқ, ўрмон ва балиқ) маҳсулотлар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 29,3 фоизини ташкил қилмоқда. Жами банд аҳоли таркибининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улуши 27,1 фоизга тўғри келади. Ушбу соҳада жами 3,1 млн кишидан ортиқ аҳоли меҳнат қилмоқда.¹ Ҳисоб-китобларга кўра, йилига ўртача 22 млн тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилади ва ўсиш 106,1 фоизни (ш.ж: деҳқончиликда 107,5 фоиз) ташкил этди. Жумладан, 11,6 млн. т (111,4 фоиз) сабзавотлар, 3,3 млн т (115,8 фоиз) картошка, 2,3 млн т (108,6 фоиз) полиз, 3 млн т (106,3 фоиз) мева, 1,8 млн. т (111,5 фоиз) узум, шунингдек, 7,9 млн т

¹ <https://www.agro.uz/ru/21-0000/>



(104,8 фоиз) дон ва дуккакли дон экинлари, қарийб 3,4 млн т (110 фоиз) пахта хомашёси етиштирилади.²

Қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби



1-расм. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг тармоқлар таркиби.³

Давлат томонидан аграр соҳани қўллаб-қувватлаш, иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тизимли тадбирлар натижасида 2022-йилда 1 гектар майдондан олинган ўртача даромад 47,2 млн сўмни (2021-йилга нисбатан 2 баробар кўп) ташкил этди. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, самарадорлигини кескин ошириш йўналишида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилиб, 2022-йилда Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси доирасида жами 274,8 минг га (2021-йилда 101,8 минг га, 2,7 баробар кўп) шундан, 99 минг га суғориладиган, 171 минг га лалми-яйлов ва сув талаб қилмайдиган экин экиладиган ерлар ҳамда 5 минг га ўрмон ерлари фойдаланишга киритилди. Ўзлаштириш учун Республикада 1 410 км суғориш тармоқлари қурилди, 396 км коллектор тармоқлари таъмирланди, 1 522 дона қудуқлар қазилди, 221 дона насос агрегатлари ўрнатилди ҳамда 2 169 км электр узатиш тармоқлари тортилди.

Худудларнинг тупроқ иқлим шароити, сув ресурслари билан таъминланганлиги ҳамда аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини инобатга олган ҳолда 4 млн 843 минг гектарга (2020-йилга нисб. 644 минг га кўп) қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилди (асосий майдонда 3,1 млн, боғ-ток орасида – 223,2 минг га, такрорий – 816,4 минг га, лалми — 457,4 минг га, ўзлаштирилган майдон – 198 минг га). Жумладан, 1 млн 38 минг га ғалла, 348 минг га

² <https://www.agro.uz/ru/21-0000/>

³ Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



сабзавот, 171,5 минг га полиз, 78,2 минг га картошка, 200 минг га мойли, 448 минг га дуккакли, 725,6 минг га озуқа ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратишда 25 та пахта-тўқимачилик (106 минг га), 80 та ғаллачилик (801 минг га), 13 та шолчилик (17 минг га) 2 та доривор кластерлар йўлга қўйилди. Натижада жорий йилда 122 та пахта-тўқимачилик (қамрови 100 фоиз), 157 та ғаллачилик (100 фоиз), 146 та мевасабзавотчилик (40 фоиз), 29 та шолчилик, 9 та доривор ўсимликлар етиштирувчи кластерлар фаолият юритди.⁴

2022-йилнинг ўзида лойиҳаларда 350 га интенсив мевали боғлар барпо этилди, 160,5 га замонавий иссиқхоналар, 5000 тн музлатгичли омборхоналар ташкил этилди, қарийб 4 минг бош йирик ва майда шохли қорамоллар олиб келинди ҳамда 223 минг бошга мўлжалланган паррандачилик комплекслари ишга туширилди. “Агробанк” АТБ ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ва бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда “Фермерлар мактаби” ўқув курси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида 2017-йилда қишлоқ хўжалиги соҳасига Кластер тизими кириб келди. Кластер назарияси XIX асрда дастлаб немис иқтисодчиси Иоган Генрих фон Тюнен ва унинг издошлари В.Лаунхард ҳамда А.Веберлар томонидан илгари сурилган. А.Маршалл ўзининг “Иқтисодиёт фани принциплари” ишида тадқиқот объекти тарзида шаҳар агломерацияси ва индустриал ҳудудларни танлаб, ўтказган тадқиқотларида самарадорлик ва ишлаб чиқариш географик локализацияси ўзаро боғлиқлигини баён этган. У корхона ва ташкилотлар самарадорлиги уларнинг иқтисодий зоналар яқинида географик жойлашувига боғлиқлигини исботлаган. Б.Лундвал ва Б.Йонсонлар эса кластер назарияси билан боғлиқ “ривожланиш блоклари” концепциясини таклиф этганлар ҳамда соҳа ёки ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари, бутун мамлакат аҳолисини узлуксиз ўқитиш жараёни миллий иқтисодий юксалиш ва рақобатбардошлик манбаи эканлигини таъкидлаганлар. Кластер назариясининг замонавий талқини XX асрнинг 80-йилларида тўлақонли шаклланди. М. Потер йирик рақобатбардош компаниялар маълум ҳудудларда концентрациялашувга мойиллигини эмпирик жиҳатдан исботлаган.

Рақобатбардош компания ўз атрофидаги хўжалик субъектларига қониқарли таъсир кўрсатиши, ўз навбатида ўзаро боғлиқ барча ҳамкорларнинг рақобатбардошлигини оширувчи муқобил муҳит яратишини баён этган. Унинг фикрича “Кластер бу ҳудудий (географик) жиҳатдан бир-бирига қўшни, ўзаро боғланган, маълум соҳада фаолият кўрсатувчи, умумий мақсад йўлида бир-бирини тўлдирувчи компания ва у билан боғлиқ ташкилотлар гуруҳидир”.

Рақобатбардош компания миллий иқтисодиёт соҳаси рақобатбардошлигини шакллантиради, рақобатбардош соҳа эса ўз навбатида дунё бозорида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайди ва сақлаб туради.

Мамлакатимизда кластерлар билан боғлиқ илмий изланишлар бошланиши 2000 йилларга тўғри келади, бу борадаги илмий-амалий ишлар эса

⁴ <https://www.agro.uz/ru/21-0000/>



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар олиб бориш билан бошланди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ технополис, технопарк, кластер каби қатор тушунчалар турмуш тарзимизга кириб келди.

Кластер тизими - бу хомашё ишлаб чиқаришдан тортиб, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни қамраб олган тўлиқ тизимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарорида юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини ва реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб чуқур қайта ишлашгача бўлган тизимни ўзида қамраб олган, тўқимачилик ва енгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака ва билимларини мужассамлаштирувчи “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚК, “Paraglide LTD” ҚК ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан дастлабки инновацион “Пахта - тўқимачилик кластери” мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди. “ВСТ Cluster” МЧЖ Ўзбекистонда тажриба кластерига айланди, унинг мақсади кластерлаш орқали яхши натижаларга эришиш мумкинлигини мисол орқали исботлаш эди. Бундай ишлаб чиқаришнинг моҳияти ҳар бир маҳсулотни пахта хом ашёсидан тайёр кийим олиш ва бренд яратиш эди.

“ВСТ Cluster” МЧЖ кластери вилоятнинг инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётининг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, у яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчи тузилмадир. Ушбу ютуқларга эришишнинг бош мезони кластер бошқаруви ва фаолиятида жаҳон тажрибасига таяниб, мавжуд худудий ҳамда ташқи илмий салоҳиятдан фойдаланишидадир.

Хулоса қилиб айтганда, кластерлар инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётнинг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчидир. Янгиланишлар “инсон капитали”, яъни соҳа ва соҳалараро фаолиятни ўзида мужассамлаштирган кластерлардаги ташаббускор мутахассисларнинг тафаккури билан боғлиқ. Мазкур кластерларда соҳаларнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви билан



бир қаторда, соҳа кичик корхоналарининг манфаатли кооперацияси, соҳалараро ички ва ташқи интеграция элементлари ҳам юксалишига замин яратади.

Кластерлар томонидан соҳага илм-фан, инновациялар ҳамда илғор технологияларни жорий этиш натижасида, 3,4 млн тонна пахта, 7,8 млн тоннага яқин дон етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик пахтада 29,8 центнердан 32,7 центнерга (110 фоиз), ғаллада 57,6 центнердан 64,1 центнерга (111 фоиз) ошди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан қиймати 8,4 трлн сўмлик 54 та, ғаллачилик кластерлари томонидан 783,7 млрд сўмлик 42 та, мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан 328 млрд сўмлик 22 та жами 118 та лойиҳалар ишга туширилиб, 24 минг нафар янги иш ўринлари яратилди.

Ҳозирги кунда Республикамизда жами 92 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан 312 та кластерлар биргаликда фаолият юритиб келмоқда. Шундан 177 таси ғаллачилик, 93 таси пахтачилик ва 42 таси пахта ва ғаллачилик кластерлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60 сонли Фармонига асосан Республикамизни 2026 йилга қадар ривожлантириш учун 100 та мақсад белгилаб олинган. Мазкур Фармонда юртимизда фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчиларга бир қанча енгилликлар яратиш ҳамда солиқ юкини камайитириш вазифалари топширилган.

Жумладан, 2025-йил 1-январга қадар Республикамизнинг шароити “оғир” бўлган ҳудудларида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинандиган солиқ ставкаси 1 фоиз ставкада ҳамда юридик шахслардан олинандиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизимини жорий этиш, балиқчилик ҳамда ҳизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун бир қанча солиқ имтиёзларини амалда қўллаш, шунингдек яширин иқтисодиётга чек қўйиш ва норасмий секторда фаолият кўрсатувчи субъектларни расмийлаштириш бўйича бир қанча вазифалар топширилди. Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019-йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини яққол мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.⁵ Мазкур Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасини 2030-йилгача ривожлантиришда қуйидаги кўрсаткичларга эришиш мумкин бўлади:

ер ажратиш ва уни олиб қўйишда шаффоф тизим яратилади, коррупция ва бошқа субъектив ҳолатларнинг олди олинади, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини кафолатлайдиган тизим яратилади;

ерларни ноқонуний ажратиш, улардан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кескин камайишига эришилади;

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон



1,1 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ўзлаштирилади, 535,6 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўлиқ хатловдан ўтказилади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг ҳақиқий бозор нархи шаклланади, бу ҳуқуқдан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш мумкин бўлади, тадбиркорлар ва аҳоли қўлидаги капитал қиймати ўз ўзидан ортади, ер солиғи солинадиган базани кенгайтириш имконияти яратилади;

республика ҳудудларида суғоришнинг сув тежовчи тизимларидан фойдаланилиш майдонлари кенгайтирилади ва ушбу тизимларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилади;

сув истеъмолчилари ва сув етказиб берувчилар ўртасида ҳисоб-китоблар истеъмол қилинган сувни етказиб бериш учун қилинган ҳақиқий харажатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ва бозор механизмлари асосида амалга оширилади;

ҳудудлар ихтисослаштирилади, бир жойда бир хил маҳсулотларни етиштириш, агроинновацион ғояларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга шароит яратилади;

пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечилади;

пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотлари етиштирувчилари билан қабул қилувчилар ўртасида маҳсулот ҳажмига қараб шартнома тузиш тизими йўлга қўйилади;⁶

ерларнинг турига қараб юқори ҳосил берувчи экинлар етиштирувчилар томонидан мустақил жойлаштирилади;

майда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ерлардан оқилона фойдаланиш имконияти яратилади;

сифатли рақобатбардош мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва экспорт ўсиши барқарорлигини таъминлашга эришилади;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси амалга оширилади;

кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта таълим ўртасида узвий алоқадорлик таъминланади;

илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланади, лаборатория жиҳозлари янгиланади, ходимларнинг малакаси оширилади;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилади;

бошоқли донни биржа савдоларида чекловларсиз сотилишига имкон яратилади, давлат харидлари камайтиради;

бошоқли дон бозорида интервенцион механизмлар жорий этилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва рақобатбардошлиги ортади;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон



қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатишнинг шаффофлик ва рақобатга асосланган бозор хизматлари ривожланади;

қишлоқ хўжалигида ўртача меҳнат унумдорлиги 1,7 баробар ошади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн тонна қувват яратилади;

маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичи 30 фоизга етказилади (2030-йилга қадар экспорт ҳажми 20 млрд АҚШ долларига етказилади).

Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш учун таклиф сифатида айтишимиз мумкинки ушбу соҳага хорижий инвесторларни жалб қилиш ўта муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариши солиқ тўловчига катта қийинчиликлар олиб келади. Амалдаги солиқ тизими халқаро стандартларга - биринчи навбатда солиқ тизимининг Европа моделига мувофиқ келади. Кейинчалик уни жиддий тарзда ўзгариш мақсадга мувофиқ эмас. Солиқ тизимидаги барча йирик ўзгартиришларга беш йиллик мораторий эълон қилиш зарур, солиқ ставкаларини ўзгартириш бундан мустасно. Хорижий инвесторларни жалб қилиш учун асосий омил бу солиқ қонунчилигининг тўғри ишлаши ва унинг мўтадиллигидир. Солиқ қонунчилиги бир йилда икки марта ўзгариб турадиган мамлакатга инвестиция билан кириб келишни инвесторлар нотўғри қадам дея ҳисоблашади.⁷

Акциз солиғи тўғрисида тўхталадиган бўлсак ушбу солиқ ставкасини тамаки ва алкоголь ичимликлари учун икки баробарга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бюджетга тушум кўпаяди шунингдек, аҳоли саломатлигига зарар бир оз бўлса ҳам камаяди.

Шунингдек, “зарарли маҳсулотлар” яни газланган ичимликлар, пальма ёғига асосидаги маҳсулотлар ва ҳоказо учун ҳам акциз солиғини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи жаҳоннинг аксарият мамлакатлари (95 фоиздан ортиқ) прогрессив шкаласидан фойдаланади, чунки бу бир текис шкалага нисбатан анча адолатли тизимдир. Бу орқали аҳолининг кам даромад кўрувчи қисми рағбатлантирилади.

Қишлоқ хўжалигида сувдан тўғри фойдаланиш ҳам жуда муҳим масала. Таҳлилларга кўра, юртимизда экин майдонларига миллиардлаб куб метр сув йўналтирилса-да, унинг фақат 60 фоизи экинларга етиб боради, қолгани эса ирригация тизимларида ва суғориш жараёнида йўқотилади.⁸

Ўзбекистон 2040-йилга бориб сув ўта танқис бўлган 33 мамлакат қаторига кириши мумкин. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари сўмда белгиланган ва ҳар йили индексация қилинади. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун, шу жумладан деҳқон хўжаликлари учун фойдаланиладиган сув ҳажми учун энг паст ставка - 1 куб метр учун 45 сўм миқдорига белгиланди.⁹ Томчилатиб суғориш усулидан фойдаланмайдиган сув истеъмолчилари

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон

⁹ https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbollar1



учун ушбу ставкани икки баравар ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали томчилатиб суғориш технологияси оммалашади ва сув танқислиги муаммоси бир мунча енгиллашади.

References:

1. М.И.Назаров. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси (янги тахрир).
3. Б.И.Исроилов. Ўзбекистонда солиқ тизими асослари. 2016 йил.
4. Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. www.Agro.uz
6. www.mf.uz